Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

1-йил чиқиши.
21 НОЯБРЬ 1966 й.
ДУШАНБА
№ 122.
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«УЧҚУН» ФИРМАСИ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

«Учқун» фирмаси Тошкент корхоналари ўртасида биринчи бўлиб иқтисодий ислоҳотни муваффақиятли амалга оширди. Фирма коллективи планлаштириш ва ишчиларни моддий рағбатлантиришнинг янги усули асосида ишлай бошлагандан буён ишлаб чиқариш топшириқларини тўла адо этиб келмоқда. Фирма ҳозирнинг ўзидаёқ барча кўрсаткичлар бўйича ишлаб чиқариш йиллик планини бажариб қўйди.

Хўжаликни юритишнинг янги усулига ўтгандан кейин Фирма маҳсулот ишлаб чиқариш планини 102 минг сўм кўпайтирди, маҳсулотни реализация қилиш планини эса 712 минг сўмлик ошириб бажарди ва 143 минг сўм фойда олди.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги кескин ошди. ташкилий-техника тадбирларини жорий этиш натижасида 89 минг сўмлик иқтисодий тежамга эришилди. Янги техника жорий этилиб, 118 та самарадор асбоб-ускуна ўрнатилди. Натижада меҳнат унумдорлиги ўтган йилгига нисбатан 27,2 процент ошди.

Бу йил планда кўзда тутилганидан 1.170 минг сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Натижада пландан ташқари ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини камайтириш 204 минг сўмни ташкил этди.

Коллективнинг муваффақиятли ишлаганлиги натижасида 210 минг сўмлик миқдорида рағбатлантириш фондини яратиш имкони туғилди. Бу маблағлар ишчи ва инженер-техник ходимларни рағбатлантириш, уларнинг маиший шароитини яхшилаш, шунингдек, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун сарфланади.

Коллектив Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақани авж олдириб юборди. Улар йил охирига қадар яна қўшимча равишда 150 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олишди.



Тошкент ёг-мой комбинати пойтахдаги энг ёш корхоналардан ҳисобланади. Унинг ишга тушганига тўрт ярим ой бўлди. Шунга қарамай кўпчилик ишчилари ёшлардан бўлган корхона тезда шуҳрат қозонди.

Суратда: Тошкент Политехника институтининг химия-технология факультетини битириб чиққан инженер Сабоҳат Фармонова ишчи Вера Моисеенкога кўргазма бермоқда.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

Бугунги янгиликлар

ОЛИМЛАР ЙИҒИЛИШИ

Бугун Тошкентда пойтахт ва область илмий муассасалари бошланғич партия ташкилотларининг семинари бўлиб ўтди.

Семинарда Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти О. Содиқов «Ўзбекистонда фанлар тараққиётининг асосий йўналиши», Республика Давлат план комиссияси фан ва техника бўлимининг бошлиғини М. Цвифель «1960—1970 йилларда Ўзбекистонда халқ хўжалигининг тараққиёти ҳақида» доклад қилдилар.

ПОЛЯК ГРАМПЛАСТИНКАЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Бугун Тошкент Марказий универмагида поляк грампластинкалари кўргазмаси ташкил қилинди. Пластинкаларни Польша Халқ Республикасидаги «АРС—Полон» фирмаси юборган.

Фирма коллективи музиканинг барча жанрлари бўйича ишлаб чиқарилган пластинкаларнинг намуналарини тошкентлик музика шинавандалари диққатига ҳавола қилган.

Бу пластинкаларда Чайковский, Шопен, Шуман, Шуберт ва бошқалар, поляк классикларининг асарлари, халқ қўшиқлари ва Польшанинг талантли композиторлари томонидан яратилган мазмунли музика асарлари туширилган.

Грампластинкалар кўргазмасини Тошкент грампластинкалар уйи ташкил қилган.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ САФАРИГА

Бугун бир группа ўзбек саёҳатчилари қардош Чехословакия қучоғига йўл олдилар. Туристлар Тошкент, Андижон ва Нукус шаҳарларининг ишчи-хизматчиларидир. Саёҳатчилар бу ўлкадаги Прага, Мариаланас Лазне, Карлови Вари, Брно, Братислава, Попрад каби шаҳарларнинг тарихий ёдгорликлари, гуркираб яшнаётган саноати ва маданияти билан танишадилар.

Сафарга чиққанлар орасида республика боғдорчилик-узумчилик совхозлари трестининг старший агрономи С. Вальшина, Бўка районидаги Тельман номли колхознинг механизатори Ғулом Абдураимов ва бошқалар бор.

Сайёҳат 12 кун давом этади.

ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА

Бугун Тошкент Давлат политехника институтининг физика-инженерлик факультетида ҳаяжонли дамлар бошланди. Ёш мутахассислар ишга йўлланма олганликлари билан бирбирларини муборакбод этдилар. Кўп ўтмай уларни Ўзбекистон ва қардош республикалардаги илмий муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналари ўз бағрига олади. Тошкентда таълим олган инженер-физиклар Москва, Рига, Свердловск, Новосибирск, Томск, Ленинград каби шаҳарларга бориб, ўз мутахассисликларни бўйича ишлай бошлайдилар.

Маданият саройида шеърхонлик

Бугун темирйўлчилар Маданият саройида шеърхонлик бўлди. Саройдаги адабий бирлашманинг аъзолари ўзларининг янги ёзган шеърларидан намуналар ўқиб бердилар. Шоирлардан К. Аксимов, В. Качаев, М. Коршунова ва бошқаларни лирика ишқибозлари мамнунлик билан кутиб олдилар.

ДЕКАБРЬ ҲИСОБИГА

«Компрессор» заводининг қуюв цехи ишчилари ўн бир ойлик планни бугун шараф билан бажардилар.

Чўян қуювчилардан Ж. Комилов, Р. Одилов, коммунистик меҳнат зарбдори А. Бейлин, Т. Қосимов, қолипловчи Ю. Фадеев, В. Петров каби меҳнатсеварлар кунлик топшириқларини 150—160 процентдан бажариб, бошқаларга намуна бўлаётирлар.

— Цехимизнинг қалби олов ишчилари ҳозир декабрь ойи ҳисобига металл қуймоқдалар, — дейди цех партия ташкилотининг секретари ўртоқ П. Г. Приленко. — Биз йиллик планни муддатидан илгари — СССР конституцияси кунига шараф билан бажарамиз.

СЕРГЕЛИ — ТОШКЕНТ

БУГУН СЕРГЕЛИ АҲОЛИСИ ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИДАН МАМНУН БЎЛМОҚДА. СЕРГЕЛИНИ ПОЙТАХТНИНГ ФАРҲОД КЎЧАСИ БИЛАН БОҒЛОВЧИ ЯНГИ 57-МАРШРУТЛИ АВТОБУС ҚАТНАЙ БОШЛАДИ.

«ВОДИЙЛАРНИ ЯЁВ КЕЗГАНДА»

Ғафур Ғулом номли тўпламга республикамиз ёзувчиларининг очерклари ва ҳикоялари киритилган. Авторлар бу очерк ва ҳикояларида ўлкамиз меҳнаткашларининг янги ерларни ўзлаштириб мўл ҳосил етиштириш учун олиб борган курашларини ва ниҳоят, уларнинг меҳнат соҳасида эришган ғалабаларини ҳикоя қиладилар.

«ТОШКЕНТ» СЕЙСМИК СТАНЦИЯСИ ХАБАР БЕРАДИ

ПИСКОМДА ЗИЛЗИЛА

20 ноябрга ўтар кечаси соат 00 дан 40 минут ўтганда тошкентликлар 2 балл куч билан ер горизонтал равишда тебранганлигини сездилар. Дастлабки маълумотларга кўра зилзиланинг ўчоғи Тошкентдан 180 километр нарида шимолий-шарқда — Писком тизма тоғларида бўлган. Зилзила ўчоғида тебраниш 6 баллга яқин, Жамбулда эса 4—5 балл бўлган.



Тошкент давлат шарикоподшипник заводи асбобсозлик цехининг технологи, завод комсомол ташкилотининг секретари Жўра Куржиев билан цехнинг пардозловчиси Владимир Анисимов янги ускунанинг чертёжларини кўздан кечиришмоқда. Корхонада бундай ихтирочилар кўп.

И. ЗАЙНУДДИНОВ фотоси.

Бугун Туркманистон адабиёти ва санъати декадаси тантанали ёпилади

ОҚ ЙЎЛ, ҚАРДОШЛАР!

Мана, ўн кундирки, серқуёш республикамизда қардош Туркманистон адабиёти ва санъати декадаси давом этмоқда. Театрларимиз саҳналарининг кўзгусида дўстларимиз пьесалари яраклади, концерт залларида, бепоён пахта далаларида туркман қўшиқлари парвоз этди китоб жавонларида Туркманистоннинг забардаст адиб ва шоирлари қаламидан сайқал топган китоблар ўрин олди. Шаҳримизнинг кино шинавандалари «Туркманфильм» студияси ишлаган картиналарни завқланиб томоша қилдилар.

Бундан роппа-роса ўн кун илгари Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат Академик Катта театрида декаданинг очилиш маросими бўлган, дўстлик сўзлари жаранглаган, туркман ва ўзбек қўшиқлари кишилар қалбига дилрабо оҳанг билан оқиб кирган эди.

Декада қатнашчилари қаерда бўлишмасин, республикамиз меҳнаткашлари уларни ўзбек элининг қадимий удумига биноан меҳмондўстлик билан кутиб олдилар.

Қаҳрамон Тошкент бинокорлари, Андижон ва Фарғона пахтакорлари, Чирчиқ кимёгарлари, Сирдарё чўлқуварлари Туркманистон адабиёти ва санъати вакилларини ўзларининг энг яқин дўстлари сифатида қаршилаб, қайноқ туйғуларини изҳор этдилар, уларга янгидан-янги ижодий муваффақиятлар тиладилар.

Алишер Навоий номидаги Катта театрда Маҳтумқули номли туркман опера ва балет театрининг солистлари Г. Мусаева ҳамда Ю. Пурсияновлар иштирокида «Жизель» балети муваффақият билан қўйилди. Свердлов номли концерт залида эса туркман халқ чолғу оркестрининг концертини томошабинлар гулдурос қарсаклар билан олқишладилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг катта мажлислар залида Берди оға Кербобоевнинг ижодий кечаси бўлди. Ёзувчилар, адабиётшунослар, студентлар талантли адибга ижодий муваффақиятлар тиладилар.

Бугун декада қатнашчилари тағин Алишер Навоий номидаги театрда йиғиладилар. Улар ўзбек дўстлари билан хайрлашадилар. Декада ҳар иккала қардош халқлар дўстлигининг ёрқин рамзи бўлиб қолишига ишонамиз.

Оқ йўл, қардошлар! Яна учрашгунча хайр. Шаҳримиз меҳнаткашлари сизларга саломатлик, ижодингизга камолат ва ривож тилаб қоладилар.

МАССИВЛАР АҲОЛИСИ УЧУН

Шаҳримиз ёнбағирларида шу йилнинг ўзида иккита гавжум массив бунёдга келди. Булардан бири «Октябрь» номли бўлиб, бу массивда қисқа вақт ичида аҳоли учун барча қулайликлар яратиб берилди. Жумладан, шу йил ичида 16 километрдан ортиқ йўл қурилиши назарда тутилган бўлса, ҳозирнинг ўзидаёқ 17 километр йўл текис қилиб асфальтланиб, ундан аҳоли фойдаланмоқда.

Бинокорлар аҳолини ичимли сув билан таъминлаш тўғрисида ҳам катта ғамхўрлик қилмоқдалар. Қисқа муддат ичида ўн километр узунликда сув қувурлари ётқизилиб, 56 жойга водопровод колонкаси ўрнатилди.

Янги қурилган, уй-жой ва бошқа биноларни электр билан таъминлаш ишига ҳам катта эътибор берилмоқда. 28 километрлик масофага электр тортилди.

Массивда якка тартибда уй қурувчилар учун бошқа қулайликлар ҳам яратилди. Улар учун маҳсус бетон узели қурилди. Узелнинг 12 та бетон қориш машинаси якка тартибда уй қурувчилар учун шу кунгача 1300 кубометрга яқин бетон тайёрлаб берди.

Янги массивлардан яна бири — «Партия XXI съезди», массивида ҳам иш қизғин. Бу ерда ҳам якка тартибда уй қурувчилар учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Жумладан 5 кубометр майдонга асфальт ётқизилиб, 22 километрлик кварталларо йўлларга шағал тўкилди. 8 километр узунликда сув қувурлари кўмилиб, 28 та водопровод колонкаси ўрнатилди.

Ҳар икки массивда ҳам аҳолининг оҳак, алиф, мих ва бошқа қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун маҳсус савдо дўконлари ишламоқда.

ҚАРДОШЛИК РАМЗИ

Бугун Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг бирлашган олимлар кенгашида яна бир ёш олим фан доктори деган илмий даража учун докторлик диссертациясини ёқлади. Тожикистонлик диссертант Рауф Баратов Тошкент Давлат университетида ўқиб, шу ерда кандидатлик диссертациясини ҳам ёқлаган эди. Р. Баратов ҳозирда Тожикистон Фанлар академиясининг академик секретари, геология ва минералогия институтининг директори ҳамдир.

Тожик олими «Ҳисор тоғларининг жанубий ёнбағрида жойлашган интрузив - комплекс-тоғ жинслари ва улардаги фойдали қазилмалар» деган темадаги докторлик диссертациясини Тошкент олимларининг мунозарасига тақдим қилди. Тожик олими тоғ жинсларини классификациялаш, уларда пайдо бўлган фойдали қазилмаларнинг ҳосил бўлиш қонуниятларини ўрганиш ва шулар асосида топилмаган ва топилиши мумкин бўлган маъданларнинг хусусиятларини аниқлаб берган.

Тошкентлик олимлар Р. Баратовга бир овоздан геология ва минералогия фанлари доктори унвонини беришга қарор қилдилар.

ҲОВЛИ ТЎЙИ АВЖИГА ЧИҚДИ

Бугун янги уй-жойларни фойдаланишга топшириш учун қабул қилувчи давлат комиссияси шаҳарда қурилиши тугалланган жуда кўп уйларни кўриб чиқди. Кўпчилик уйларнинг ҳужжатларига «қабул қилинди» деган имзолар чекилди.

Фарҳод кўчасидаги 40 квартирали муҳташам бино кўчанинг ҳуснини янада очиб юборди. Уни «Оргтехводстрой» трести бинокорлари ирригаторлар учун қуришди.

3-қурилиш трестининг 15-қурилиш бошқармаси бинокорлари Рисовая кўчасидаги иккита йирик панелли уйни битириб, армуғон этдилар

* * *

Бугун қардош Украинанинг 3-қурилиш поезди пешқадамлари учинчи уйларини Тошкентга ҳадя этдилар. Бу бино В-13 кварталида қад кўтарган 80 квартирали уйдир.

* * *

Бугун Октябрь районидаги «Пахтакор» кўчасида 140 ўринли болалар боғчасининг эшиклари очилди. Боғча биносининг лойиҳаси Тошкентда ягонадир. Бинонинг ҳам қишлиги, ҳам ёзлиги бор. Уни 6-қурилиш трестининг 15-қурилиш бошқармаси азаматлари тайёрладилар.

Д. НАЦАГДОРЖ ХОТИРАСИ

УЛАН-БАТОР. Монголия пойтахти жамоатчилигининг таниқли монгол ёзувчиси, ҳозирги замон монгол адабиётининг асосчиси Д. Нацагдоржга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеденбал ҳамда мамлакатнинг бошқа партия ва ҳукумат раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

ВЬЕТНАМ ХАЛҚИНИНГ КУРАШИ ЯКДИЛЛИК БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

ДЕҲЛИ. Совет делегацияси аъзоларининг Ҳиндистон журналистлари билан ўтказилган матбуот конференциясида бундай дейилади: уруш хавфига, ҳарбий пактлар ва базаларга, атом қуроли ва мустамлакачиликка қарши курашга бағишлаб ўтказилган халқаро конференцияда Вьетнам халқининг курашини қўллаб-қувватлаш масаласи асосий мавзу бўлди. Совет делегатлари шуни таъкидлашдики, турли ҳаракатларнинг намояндалари Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Жанубий Вьетнам халқининг қонуний вакилидир, деган фикрга келдилар.

(ТАСС).

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИДА КЕСКИН НОРОЗИЛИК

ПХЕНЬЯН. Паньминьчжонда Кореяда яраш ҳарбий комиссиясининг 233-мажлиси бўлиб, унда Корея-Хитой томонининг бош делегати генерал-майор Пак Чун Гук Америка томонининг демилитаризация қилинган зонадаги ва Корея Халқ Демократик Республикасининг территориал сувларидаги тинимсиз иғвогарликлари муносабати билан Америка томонига кескин норозилик билдирди.

Генерал-майор Пак Чун Гук мазкур иғвогарлик хуружларини текшириб, шу иғвогарликларнинг ҳамма қатнашчиларини қаттиқ жазолашни Америка томонидан қатъий талаб қилди.

КАСАБЛАНКАДА ПАРАД

КАСАБЛАНКА. Марокаш мустақиллигининг 11 йиллигини байрам қилди. Мамлакатнинг энг катта шаҳри — Касабланкада ҳарбий парад ўтказилди.

Меҳмонлар орасида Авиация генерал-полковниги Н. П. Дагаев бошчилигида Марокашга келган совет ҳарбий делегацияси ҳам бор эди.

ГАЙРИ-ҚОНУНИЙ СМИТ РЕЖИМИ ТУГАТИЛСИН

НЬЮ-ЙОРК. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси тўртинчи комитетнинг Жанубий Родезия тўғрисидаги масала юзасидан берган тавсиясини 89 овоз билан маъқуллади. 2 делегация тавсияга қарши овоз берди, 17 делегация бетараф бўлиб қолди.

Тўртинчи комитет «Василик комитети» Англияга мурожаат қилиб, Жанубий Родезияга Смитнинг гайри қонуний режимини тугатиш учун ҳамма зарур чораларни кўришга, шу жумладан қурол ишлатишга уни даъват қилишни Бош Ассамблеяга тавсия қилди.

Комитет ўз тавсияларида Смит режимига ёрдам бераётган Жанубий Африка ва Португалияни қоралади.

Тўртинчи комитетда катта кўпчилик овоз билан қабул қилинган Африка — Осиёдаги 53 Мамлакат резолюциясида ана шу тавсиялар бор эди. (ТАСС).



Геллёрт тоғининг 235 метрли чўққисидан кўприкларнинг пўлат лентаси билан қўшилган ажойиб Будапешт ва Дунай манзараси очилади. Тоғ этагида уруш вақтида вайрон бўлган, кейин яна ўз ҳолига келтирилган Озодлик кўприги бор.

В. УН ДА — СИН фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

Ахлоқ темасида

Коммунист — улуғ ном

«Мен коммунист бўлишни кўпдан бери орзу қиламан. Мақсадим мамлакатимизда комунистик жамият қурилишида актив иштирок этишдир.

Мени КПСС аъзолигига кандидат қилиб қабул қилишингизни сўрайман».

Бу сўзларни қишлоқ хўжалик экономикаси Ўрта Осиё илмий текшириш институтининг илмий ходими Эгамберди Бобожоновнинг шу йил июль ойида партия ташкилотига ёзган аризасида ўқишингиз мумкин.

Институт илмий ходимларидан КПСС аъзолари К. Лапкин, Ф. Қаюмов ва Ч. Тожиевлар тавсияномаларида Э. Бобожонов ҳақида қуйидагиларни ёзадилар.

— Э. Бобожонов ўз одоби, меҳнатсеварлиги билан ҳамманинг ҳурматига сазовор, камтарин, сиёсий жиҳатдан етук, жамоат ишларида актив иштирок этмоқда. Илмий ишлари ҳам муваффақиятли боряпти. У КПСС сафида бўлишга лойиқдир, — деб ёзади Ч. Тожиев.

Биз газетхонларни Э. Бобожоновнинг истаги ва берган ваъдаси ҳамда коммунист ҳамкасблари томонидан унга берилган тавсияномалардаги фикр билан таништирдик.

Энди КПСС аъзоси бўлишни истаган Э. Бобожоновнинг хотини С. Ҳусаинованинг институт партия ташкилоти номига эри ҳақида ёзган шикоят аризаси билан танишинг «1965 йил апрелигача. Э. Бобожонов КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинган вақтга қадар биз бир-биримиз билан яхши муносабатда ҳаёт кечириб келдик. Ора-чора арзимас оилавий жанжаллар бўларди, холос. Бироқ кейинчалик эрим мени ҳақорат қилишга, уришга, бўғишга, пичоқ ва болта олиб югуришгача бориб етди. Изи қолмасин учун кўпинча бошимга туширарди. Мени магазин хизматчиларидан рашк қила бошлади. Ниҳоят, ишдан бўшашимни талаб қилди. Боламизни боқчага юбормади. Шу даражага бориб етдики, мени магазинга озиқ-овқат, аптекадан дори олиб келишга ҳам чиқармай қўйди. Менга қоровул қилиб қўйиш учун Хоразмдан онасини олиб келди. Бундан буён унинг менга ва боламизга нисбатан муносабати яхшиланмаслигига кўзим етиб, оилавий турмушимизнинг яхшиланиши ишлашимга имконият яратилиши учун ёрдам сўраб мурожаат қилишга мажбур бўлдим».

С. Ҳусаинованинг хати эри КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилингандан кейин тўрт ой ўтгач ёзилган.

Шу йил 11 октябрда институт коммунистрлари Э. Бобожоновнинг КПСС аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги аризасини партия мажлисида муҳокама қилиб, қуйидаги фикрларни айтдилар.

— Партия сафига ростгўй ва виждонли кишиларгина қабул қилинади, — деди институт илмий секретари К. Ҳатамов, — Э. Бобожоновнинг эса сўзи билан иши бир-бирига монанд эмас экан. Аризада коммунист бўлишни кўпдан орзу қилишлигини ёзган. Партия аъзолигига кандидат бўла туриб эса, хотинини ҳақоратлаган. Бу билан коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексини кўпол равишда бузган. Мен Э. Бобожоновни КПСС аъзоси бўлишга лойиқ эмас деб ҳисоблайман.

Институт сектор мудири М. Базанов сўзга чиқиб, Э. Бобожоновнинг хотини ёзган ариза шу йил август ойидан бери муҳокама қилинмаганлигининг ўзи ажабланарлидир, деди. Сўзга чиққан ўртоқлар С. Ҳусаинова аризасидаги фактлар тасдиқланганлигини айтишди. Оилага нисбатан бундай номуносиб ҳаракатлар қилган кишига партия сафида ўрин йўқ.

— Коммунистлар социалистик жамиятимизнинг олтин фондидир, — деди йиғилишда сўзга чиққан институт бўлим раҳбари М. Ҳусанов, — шунинг учун ҳам партия сафига ҳар томонлама муносиб бўлган кишиларнигина қабул қилишимиз керак ва бу масалага ниҳоятда масъулият билан қарамоғимиз лозим. Бу ерда сўзга чиққан айрим ўртоқлар, — дейди у, — Э. Бобожонов яхши илмий ходим, диссертацияси устида муваффақиятли иш олиб боряпти, дейишди. Бироқ, у оиласига нисбатан қандай муносабатда эканлиги бизга яқиндагина маълум бўлди. Айрим коммунистлар бунга муросасозлик билан қарамоқчи бўладилар. Биз кишиларни фақат меҳнатга нисбатан коммунистик муносабатда эмас, хулқ атворда, турмушда, оилада ҳам коммунистик ахлоқ нормаларига жавоб берадиган бўлишларини талаб қиламиз. Ана шу нуқтаиназардан қараганда Э. Бобожоновни партия сафига қабул қилиб бўлмайди, деди ўз сўзини якунлаб бўлим раҳбари.

Бизни қуйидаги аҳвол жуда таажжубга солди. Э. Бобожоновга тавсиянома берганлардан бири, институт младший илмий ходими Ч. Тожиев Э. Бобожоновнинг оиласига нисбатан муносабати қандай эканлиги ҳақидаги сўзларни эшита туриб, мен ўз берган тавсияномамдан қайтмайман деганлигини айтинг. Мен Э. Бобожоновнинг оилавий ҳаётини билмайман, уни яхши илмий ходим сифатидагина биламан, дейди у.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, айрим партия ташкилотлари, партия сафига қабул қилинувчиларга тавсиянома берувчиларнинг бу масъулиятли ва шарафли ишга юзаки, эътиборсизлик билан қараганликлари оқибатида ана шундай хатоларга йўл қўйилади.

Юқорида ҳикоя қилинган Э. Бобожонов воқеаси бунга ёрқин далилдир.

Ленин район партия комитети бюросининг қарори билан Э. Бобожонов КПСС аъзолигига кандидатликдан ўчирилди.

В. ДМИТРИЕВ.



Артиллериячи зенитчилар дала машқларида. Олдинги планда азимут бўйича аълочи наводкачи комсомол аъзоси ефрейтор А. Примов.

В. ДУБРОВЧЕНКО фотоси.



«Жанг» пайтида қуролларни олиб ўтиш. Е. КАССИН фотоси, (ТАС



Ракетани парвозга ҳозирлашга сўнгги тайёргарлик кўрилмоқда.

Г. ШУТОВ фотоси, (ТАСС).

АРТИЛЛЕРИЯ АЪЛОЧИЛАРИ

Н. қисмининг бўлинмаларида артиллерия аълочилари кўплаб топилади. Совет ҳокимиятининг 50 йиллигига бағишланган мусобақалар якунида эстафетани коммунист офицер Кобарчук раҳбарлик қилаётган бўлинма солдатлари ўз қўлларида тутиб қолдилар. Бу бўлинмадаги оддий солдат Анатолий Лазук ва Шамил Умирбоевлар ўзларининг нишонни бехато мўлжалга олишлари билан эътибор қозонганлар.

Яқинда артиллерия бўлинмаларида ўтказилган жанговар нишонга олиш пайтида ҳам бу солдатлар ўз маҳоратлари билан бошқаларга намуна бўлдилар.

Мана, солдатлар ўт очиш позициясида. Қудратли қуролни жанговар ҳолатга келтириш учун бир неча саноқли минутлар кетди, холос. Бироздан сўнг чангалзор орасидан «душман»нинг икки танки ўрмалаб кела бошлади. Танклар ўз тезлигини ошириб, батарея эгаллаган позицияга яқинлашиб кела бошлади. Лекин бир неча одим юрмасданоқ, танкнинг бош қопқоқ қисми чир айланиб кетди ва тўхтаб қолди. Артиллериячилар отган биринчи снаряднинг ўзидаёқ танк қимирламай, ўз жойида тўхтаб қолган эди.

Эришилган муваффақият гвардиячиларни қанотлантириб юборди. Аммо хурсанд бўлишга ҳали эрта. Шиддат билан олға ташланаётган иккинчи танкни ҳам нишонга олиш керак. Шундагина аъло баҳога умид қилса бўлади. Артиллериячилар шошилар, аммо уларнинг ҳар бир ҳаракати аниқ ва чаққон эди. Ахир улар артиллерия системасини жангга ҳозирлаш учун бекорга ўқишмаган-да.

Бугун ўтказилаётган бу жиддий кўрик класс ва полегонларда олиб борилган тренировка машғулотлари юзасидан имтиҳон эди. Қудратли қуролнинг узун стволи иккинчи танк томон бурилди. Уни диққат билан кузатилар экан, затвор шиқиллади. Қаттиқ овоз бериб, ствол оғзидан алангаланган гильза учиб чиқиб кетди. Шу пайт яна старший сержант Умирбоевнинг овози жаранглади.

— Танкга қарши 8-нишон мўлжаллансин!

Ҳавода оловли снаряднинг гильзаси шиддатли овоз бериб ўтди ва нишонга бехато бориб тегди. Бу галги снаряд ҳам хато кетмади. Олинган расчёт аъло баҳо билан тақдирланди.

Офицер Кобарчук ва сержантлар ўт очиш қонун-қоидаларини назарий билимлар асосида ўрганиб, буни амалда мукаммаллаштириш устида ҳам изчил меҳнат қилмоқдалар. Ўз билим ва тажрибаларини ёшларга ҳам ўргатишда активлик кўрсатмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси планлаштирилган дарсларда олиб борилади. Якшанба кунлари эса бўлинмада конференция, викторина ва летучкалар ўтказиб турилади. Амалий машғулотлар эса кенг майдон ва полигонларда, жанговар ҳолатга яқин бўлган шароитда олиб борилади. Ана шундай машғулотлардагина артиллериячилар ўт очишнинг энг амалий усулларини ўрганадилар.

Коммунист Кобарчук солдатларни жанговар машғулотларга тайёрлашда суст ҳаракат қилишга ўргатмасликни сержантлардан қатъий талаб қилади. Мана бир мисол. Кобарчук жанговар ҳолатга тайёрланиш пайтида солдатлар ҳисобдан бир неча минут четланганлигини сезиб қолади.

— Сизнингча ким ноаниқликка йўл қўйибди? — деб сўради старший сержантдан.

— Менимча ҳамма белгиланган вақт асосида ишлаяпти, — деган жавоб эшитилди.

— Ҳар бир солдатнинг ҳаракатини кузатингчи? — маслаҳат берди офицер. — Келинг, бирга кузата қолайлик...

Маълум бўлишича, наводкачи пунктни жуда ҳам секинлик билан нишонга олар, ствол қопқоғини эса белгиланган вақтдан ҳам кўп муддатда четга оларди. Яна Кобарчук расчёт номерларининг ноаниқ ҳисобга олинаётганини сезиб қолди. Тажрибали артиллериячи солдатларга қурол билан тез ниқ ишлашга ёрдамиб юборди. Командиаҳбарлигида солар кескин жанговар ат-ларда чаққон жат қилишни анча мукал эгалладилар. Ҳарбир жангчининг белгиан нормативи иккисса камайди.

Эгалланган дай аъло сифатлар Убоев солдатларининанк яқинлашиб келанда ниҳоятда чаққонлбилан аниқ нишонгаишларига ёрдам бер

Артиллериячилақўлида танк кордиясини мақсадга мриқ мўлжаллаш, снарнг мўлжалга тегиш софаларини аниқлган қуроллар бор. Беяда «душман» обларини аниқ мўлга олиш ишлари чуўрганилади. Коммункомандирлар эса ишларга кўз-қулоқ иб туради. Ҳозиргинда артиллериячилар иёрида замонавий эль ва узоққа отувэнг етук қуроллар бо

Коммунистик тия қуролли кучлардодоимо сезгирлик ванговар тайёргарлиталаб қилади. Комист Кобарчук кўл оаги солдатлар ҳам аншу талабга тўла жавбе-радилар. Улар ийпрактик машғулотида юксак натижалар сатиб, ўз бўлинмалабўйича биринчи нга олиб чиқишга аффақ бўлдилар.

Ф. ЛОБ.
Подполкок

Ихтирочи

Ўша йиллари илғор токарь Галина Пушкарина Саидазимга токарлик сирларини ўргата бошлади. Ёш шогирд устози айтганларини икки қилмади. У бўш вақтларида ҳам станок ёнидан кетмай, меҳнат қилди. Шунинг учун ҳам у тез орада севган касби токарликни ўзлаштириб олди.

Саидазим Оқилхонов Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасига қарашли вагон-ремонт заводига ишга келганда эндигина 16 баҳорни кўрган эди. Йиллар ўтди. Саидазим меҳнатда ўзини кўрсата бошлади.

Мана энди вагон-ремонт заводида ўртоқ С. Оқилхонов кунлик нормаларини ҳамиша ортиғи билан бажаряпти. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ССР Олий Совети кўп йиллик хизматларини эътиборга олиб, уни фахрий ёрлиқ билан мукофотлади. Заводда унинг кўплаб шогирдлари борки, улар ўз устозларидан ўрнак олиб, ажойиб ихтиролар ижодкори бўлмоқдалар. А. Амедов, З. Какадеева, М. Цуканов, В. Королевский, Н. Кузнецов каби ўнлаб ишчиларнинг ҳар бири беш-олтитадан рационализаторлик таклифларини киритдилар. Бунинг натижасида завод коллективи ойлик топшириқларни бажариб, давлатга пландан ташқари 46180 сўм фойда келтирди.

Энг яхши ихтирочилик таклифлари учун заводда конкрус эълон қилинди. Ҳар бир ишчи ана шу конкурсда иштирок этиш учун ҳаракат қилмоқда.

Ремонтчилар аҳди

Беш йилликнинг биринчи йилиданоқ, иккинчи трамвай депоси бўёқчи ва дурадгорлар цехининг илғор коллективи катта зафарларни қўлга киритмоқдалар. Вагон салонларини бежирим қилиб бўяшда Ч. Ольганинг меҳнати каттадир. У ойлик планларини муддатидан олдин бажариб, депо коллективининг ҳурматига сазовор бўлмоқда.

Цех коллективи салонларни ва ўриндиқларни ремонт қилиш йиллик планини ҳам муддатидан олдин адо этди. Бу ишда дурадгор Ш. Исаев ва А. Параманов ўртоқлар жонбозлик кўрсатмоқдалар. Улар ойлик топшириқларини 150—160 процентдан бажардилар.

Бу илғор цех ишчилари йил охиригача пландан ташқари яна иккита вагонни сифатли ремонт қилиш учун социалистик мусобақани қизитмоқдалар. Депо маъмурияти социалистик мусобақа ғолибларини ҳар кварталда пул ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирлаб туради.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 2 БЕТ.
21 НОЯБРЬ, 1966 Й.

ИНСОН ОДОБИ БИЛАН...

ГЎЗАЛЛИК ДАФТАРИНИНГ БИР БОБИ

«Тошкент оқшоми»да «Инсон одоби билан...» даврасининг очилгани айни муддао. Бу— шу куннинг талаби.. Чунки коммунистик давр кишисини одобли, эътиқодли, ахлоқли, қилиб тарбиялаш, бунинг йўл, усул воситаларини биргалашиб ишлаб чиқиш партиявий бурчимиздир.

Ахлоқ масаласи — давлат аҳамиятига эга бўлган социал масаладир. Одоб эса ахлоқнинг таркибий томонларидан. Ҳар қандай ахлоқ ва одобнинг асоси халқ ҳаёти, муайян ижтимоий тузумдир. Ахлоқ ва одоб уч асосий куч: ижтимоий тузум, сиёсат ва тарбия орқали шаклланади. Одоб ҳақидаги мулоҳазаларимизда биз булардан бирортасини назардан четда тутсак, янглишишга йўл тутган бўламиз.

Коммунистик одобни тарбиялашда оила, мактаб ва жамоатчилик тенг аҳамият касб этади. Шу маънода қаерда тарбиявий ишга бепарво қаралса, одобсизлик ўша ерда ўзига бошпана топади.

Модомики, одоб ҳам социал мазмунга эга экан, биз унга синфий нуқтаи назардан ёндошамиз. В. И. Лениннинг бу масалада қолдирган васиятлари ҳаммамизга аён. Одобнинг мазмуни ҳақида гап борар экан, биз пролетарча, халқпарвар одоб нуқтаи назарида турамиз. Эски ўзбек одобидан фақат коммунистик ахлоққа мос келадиган прогрессив норма ва қоидаларнигина қабул этамиз. Меҳнатсеварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик, катталарга ҳурмат, камтарлик, дилкашлик, меҳмондўстлик, қариндошларга меҳрибонлик каби ахлоқий фазилатлар ўзбек халқининг ҳам яхши, илғор, прогрессив ахлоқий анъаналаридир. Катталарга ҳурматни олайлик: бу жуда одамшаванда одоб қоидаси. Бироқ бу қоида ҳамиша ҳам тўғри бўлиб чиқавермайди. Масалан, халқ ишига путур етказадиган айрим ёши ёки вазифаси «катта» ўртоқларни тўла ҳурматлаш ҳақида гапира олмаймиз. Агарда ёшлар «ёмон одатни ҳам катталардан» ўрганиши мумкин экан, биз бу хил катталарга танқид мевасидан инъом этмоғимиз лозим бўлади. Мободо, оилада ота ёки ака ичувчи, мунофиқ, муттаҳам ёки такаббур бўлса, бу ҳол болалар ёки укаларга салбий таъсир ўтказадики, мактаб ва жамоатчилик бу дардга жонкуярлик билан даво кидириши керак бўлиб қолади.

Одоб, хулқий гўзаллик, бебаҳо фазилатлардандир. Хулқий гўзаллик умуман инсон гўзаллигининг таркибий томонларидан, яъни инсон гўзаллик дафтарининг салмоқли бобларидандир. Инсон гўзаллигини фақат одоб ва хулқдангина қидириб бўлмайди. Аввало, инсоннинг инсонлигини унинг меҳнат қила олиши, меҳнат қуроли ясай олиши, нутқ тили ва тафаккури белгилаб келади. Бироқ бу хусусиятлар ёмон ва хунук одатларга эга бўлган одобсиз кишиларда ҳам мавжуд. Айтайлик, бирор безорининг ўз иш жойи бўлади, унда ақл ҳам, нутқ тили ҳам бор. У шароит бўлса, меҳнат қуролини ҳам ясай олади. Бинобарин, юқоридаги хусусиятлар инсоннинг инсонлигини белгиласа-да, инсоннинг гўзаллигини, одамнинг одамгарчилигини белгилай олмайди. Хўш, инсон гўзаллигини нималар белгилайди? Бизнингча, инсон гўзаллигини унинг халқпарварлиги ва меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги ва адолатпарварлиги, халқ урф-одати ва маданиятига, адабиёти ва санъатига муҳаббати, социалистик революция ва коммунизм қуриш ишига фидокорлиги ва садоқати белгилайди. Хулқий гўзаллик ана шу кенг маънода тушунилган инсон гўзаллигининг бир томонигина, холос. Бироқ хулқий хунуклик, яъни одобсизлик инсон ҳуснига каттакон доғ бўлиб тушади. Афсуски, одобсизлик инсон ҳуснининг оддий доғи эмас. Гап шундаки, ахлоқ ва одоб социал ҳодиса бўлганлигидан, одобсизликнинг ҳам социал зарари бор. Масалан, ўз раҳбарининг дағаллигидан ёки адолатсизлигидан кўнгли синиб чиққан одамнинг қўли ишга бормайди, натижада меҳнат унумдорлиги пасайиб кетади. Ёки кўнгли синган ходим ўта интизомли бўлса, меҳнат унумдорлиги пасаймаслиги мумкин. Бу ҳолда эркин меҳнат завқидан маҳрум бўлган ишчи ёки хизматчи турли асабий касалликларга учраши, унинг умрига зиён етиши эҳтимоллари бор. Айрим одобсиз ёки анқов кишилар томонидан атайи ёки тасодифан хафа қилиб қўйилган кишиларнинг ўз меҳнат фаолиятида кутилмаган хато ва камчиликларга йўл қўйишлари ҳам конкрет социалогияга маълум. Яна бир мисол: бошқалар қатори В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг талабалари ҳам Сирдарё областининг Еттисув районига пахта теримига ҳашарга боришди. Бир куни кечқурун комсомол активларидан бири мени чақириб қолди. Борсам, қоронғуда уч рус қиздан иккиси алам билан хўнграб йиғлаб ўтирибди. Маълум бўлишича, факультетдошлари, яъни роман-герман факультетининг Пархунова, Ческидова ва Шухатович сингари студент қизлари буларни ўз ёнларидан сиқиб чиқарибдилар; ўзлари кенгу-мўлроқ жойда тунамоқчи бўлиб, факультетдош дугоналарини ниҳоятда ранжитибдилар. Мен йиғидан ўзини тўхтата олмаётган Таняни ва унинг дугоналарини ўз ўринларига таклиф қилганимда, улар: «Асло бормаймиз, нафратланамиз, ҳазар қиламиз, жирканамиз!!» деб жавоб бердилар. Мен қистамадим: улар ҳақдек туюлди... Очиғини айтганда мен ҳам бу воқеадан жуда ранжиган, бироз шошиб қолган эдим. Ахир, бунда қиз боланинг қиз болага ҳурмати ҳақида гап боряпти-да! Ахир, студентнинг студентга дўстона муносабати шундай бўладими?! Ахир, одамнинг одамга одамгарчилиги қани?! Нега фамилиялари кўрсатилган қизларда ёввойи шахсиятпарастлик ғолиб келди?! Бу аянчли одобсизликка йўл қўйган қизлар 20-22 ёшлар чамасида бўлиб, дуруст оилаларда вояга етганлар ва дуруст ўқиганлар. Ҳозир ҳам ёмон ўқишмайди. Фикрда яна саволлар тизилади: биз қандай қилиб бу хил мазмунан бўш ва қуруқ кишиларни етиштирдик?! Қандай қилиб оила ва мактаб бунга йўл қўйди? Эндиликда улар муносиб совет зиёлилари бўлиб етишишлари мумкинми?

Бизни айниқса мана шу сўнгги савол ўйга толдиради. Зотан, бу хил қиз-йигитлар ўқиш программасини билганлари учун «олий маълумотли мутахассис» дипломини олиб, ёш авлодни тарбиялаш ҳуқуқига эга бўладилар. **Кўриниб туриптики, бўлажак тарбиячини ҳозирданоқ тарбиялаш керак. Афсуски ҳозир республикамиз олий ўқув юртларида этика ва эстетика фанлари деярли ўқитилмаётир.**

Бу мисолдан яна шу нарса аён бўладики, одоб ва маданият фақат кийимда эмас; тўғрироғи, кўпроқ бунда эмас гап. Юқорида эслатилган одобсиз қизлар ташқи белгиларида кийим-кечакда, пардоз-андозда энг кейинги модалардан ҳам амалда хабардор бўлган «замонавий» қизлардир. Яна бир муҳим хулоса: «яхши», «аъло» ўқийдиган талаба ҳам одобсиз бўлиши мумкин экан. Бундай талаба дипломни олгач, ёмон хулқи билан болаларни захарламаслиги учун у билан ҳозирданоқ курашиш зарур. Бунининг учун олий ўқув юртларида ҳам худди мактаблардагидек, хулқи номуносиб, одоби ёмон талабаларни курсдан курсга ўтказмаслик тўғрисида қоида қабул қилиш керакка ўхшайди.

Ахлоқий қоида ва одатларнинг ўзгариши, бу ўзгаришларнинг салбий ва ижобий томонларини социал ва миллий ҳаётдан қидирмоқ лозим. Масалан, «салом-алик»нинг нисбатан камайиб бораётганлигига доир фактни олайлик. Бизнингча, бу фактни бир қатор сабаблар билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, социологик кузатишлар шуни кўрсатадики, шаҳарларда аҳоли сони ва зичлигининг ортиб бориши туфайли баъзи ахлоқий қоидаларнинг тўла ва ҳамма вақт ҳаракат қилиш имконияти тобора камайиб боради. Иккинчидан, қардош республикалардан келиб, ўтроқлашиб яшаётган дўстларимиз миллий-ахлоқий тартиботларга салбий ҳам, ижобий ҳам таъсир этадилар; улар айни вақтда миллий-ахлоқий қоидаларга кўпинча риоя қилмайдилар. Учинчидан, республикамизда айниқса, пойтахтимизда вақтинча яшаётган ажнабий ўртоқлар ҳам миллий-ахлоқий қоида ва нормаларга ўзига хос таъсир ўтказадилар. Тўртинчидан, айрим тарбияни билмайдиган тарбиячи, ўқитувчи, ота-оналар ҳам ўзлари истамаган ҳолда «одобсиз»ларни вояга етиштирадилар. Шунингдек, одобсизларнинг ўзи янги одобсизлар тайёрлашда муайян фаолият кўрсатади. Бинсбарин, **биз одобсизликка қарши курашда дурустроқ натижаларни қўлга киритишни чинакамига истасак, фақат одобсизларга қарши курашнинг ўзи билан чекланмай, тарбиячиларни тарбиялаш ва қайта тарбиялаш, меҳмонлар ва ажнабийлар, умуман кенг халқ оммаси орасида сиёсий-тарбиявий ва ахлоқий —ташвиқий ишларни яхши йўлга қўйишимиз зарур.**

Яхши хулқ-одобни шакллантиришда мактаб, оила, жамоатчилик баробар роль ўйнасалар-да, бунда оила ролининг алоҳида хислати бор. Чунки боланинг кўп умри оилада ўтади. Оилада ахлоқ тарбиясини амалга оширишда ота-она бош фигурадир. Бола тарбияси кўп жиҳатдан ота-онанинг дунё қараши, хулқ атвори, билими, маданияти, тажрибаси оилавий тартиби ва бола тарбиясига берилган эътиборга боғлиқ. Маълумки, ота-оналар турли ишларда ишлайдилар, уларнинг билим-тажрибаларига бола тарбияси учун реал имкониятлари ҳам турличадир. Қизиғи шундаки, айрим ўқимишли ва «маданият»ли оилаларда бола одобсиз бўлиб тарбияланиши, оддий меҳнаткаш оилаларда эса ажойиб инсон бўлиб етишуви мумкин. Бошқачароқ қилиб айтганда, оилада бола тарбияси масаласини фақат ота-онанинг билими асосидагина ҳал этиб бўлмайди. Бунда ахолининг асосий қисми зиёлилардан иборат эмаслигини ҳам албатта кўзда тутиш зарур. Худди шу маънода ота-оналаримизнинг бири табобатда Ибн Сино, бири мунажжимликда Мирзо Улуғбек, бири алжабрда Ал-Хоразмий, бири назмда Алишер Навоий, бири меъморликда Қоран, бири насрда Абдулла Қодирий, бири бастакорликда Юнус Ражабий ва бири ғазалхонликда Ҳабибий бўлмаса ҳам, гўзал хулқи, ажойиб, ҳалол инсонларни вояга етказишда мушкул, лекин масъул ишни бажаришларига умидвормиз. **Ота-оналаримиз бу шарафли вазифани бажариш билан ўз табаррук номларига арзигудек ҳайкал ўрнатибгина қолмай, айни вақтда инсон гўзаллиги дафтарининг «Хулқий гўзаллик» деб номланган бобини янги, мазмундор саҳифалар билан муқаррар бойитадилар.**

М. НУРМАТОВ.

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети фалсафа кафедрасининг ўқитувчиси.


Қаҳрамонона йиллар хроникаси

1932 ЙИЛ

16 ЯНВАРЬ. Тошкентда ОСОВИАМнинг биринчи Ўрта Осиё ўлка съезди очи.

20 ЯНВАРЬ. Қорақалпоқ пионерларнг газетаси «Жеткиншек»нинг биринчи ни чиқди.

20 ЯНВАРЬ. Тошкентда Ўрта Осиш мухбирларининг слёт-кенгаши очилди.

ЯНВАРЬ. Қувасой цемент заводи га туширилди.

4 ФЕВРАЛЬ. Техника пропагандасойлиги бошланди.

9 ФЕВРАЛЬ. Қўқон район комсомолшкилотига 1931 йил пахта ҳосилини йбтериб олишда актив иштирок этганлири учун Красний Веддинг комсомолларнг кўчма Қизил байроғи топширилди. Іис шаҳри Веддингнинг қаҳрамон пролетати байроғини Тошкентга меҳмон бўлиб кан немис коммунистларининг делегацияси иб келган эди.

20 ФЕВРАЛЬ. Тошкентда Ўзбекон ССР коммунал хўжалик ходимларининиринчи республика съезди очилди.

23 ФЕВРАЛЬ. Чегара бўлинмаларинюторлаштириш фондига маблағ тўплаш бўча бошланган компанияда Ўзбекистон мат-кашлари мўлжалдаги 40 минг сўм ўга 100 минг сўм маблағ топширдилар. Реблика ишчи ва хизматчиларнинг маблари ҳисобига ясалган автомашиналар колони чегарага йўл олди.

ФЕВРАЛЬ. Тошкентда Ўрта Осиё готехника институти ташкил этилди.

ФЕВРАЛЬ. Тўрткўлда «Колхозчи» нни республика колхозчилар газетаси чиқа шлади.

ФЕВРАЛЬ. Ўрта Осиё пахтачилик трининг органи — «Пахта тозалаш саноати реконструкция қилиш учун» журналинг биринчи сони босмадан чиқди. Бу журал ўзбек ва рус тилларида нашр этила бошнди.

ФЕВРАЛЬ. Тошкентда Ўрта Осиё ҳай округининг Қизил Армия театри ташл этилди.

„КЎНГИЛ БЕРДИМ...“

...Бекободга таксида кетдим. Ингичка мўйлаби ўзига ярашиб турган ёш йигит-шофер индамас чиқиб қолди. Ёғлиқ қоғоздек хира ялтираб турган асфальт йўлдан кўзини олмай, папирос тутатиб борарди у. Тепадаги кичкина ойнадан қуюқ қоши остидаги ўнг кўзи-ю, шапкасининг бир учи кўринарди, холос.

— Ака,— деди йигит бирдан ўгирилиб, — радиоингизни бир қўйсангиз, бизники ишдан чиққан, ашула эшитардик...

У тизза мда ушлаб ўтирган «Спидола»га имо қилди.

— Марҳамат,— дедим-да, транзистор қулоғини бурадим.

Шовқин орасидан аста қўшиқ эшитилди:

Кўнгил бердим, бир бевафо маҳбубга,

Чиқди қўлдан, доғи жонга дард бўлди.

Кейин овоз тобора баландроқ, аниқроқ янграй бошлади:

Қўрқаман, ёр бизни чиқарар ёддан,

Бошқа жойда маскан тутди, юрт бўлди...

Абадий бой берилган хазина— севги ҳақида нолийди, ўтмишнинг дардли кунларини хотирга солади бу қўшиқ.

Шофер йигит аста жилмайиб эшитаркан, негадир бош чайқаб, ўзича: «жуда зўр ашула-да!» деб шивирлаб қўйди.

Мен эса лип-лип ўтиб турган ёш тол навдаларига, шовуллаб оқаётган, қирғоғи ўт босган ариққа қараб, тинглайман. Қизиқ, шоир яшаб ўтган замондан бери қанчақанча толлар кесилиб кетди, озмунча сув оқиб ўтмади бу оралда. Бироқ бу қўшиқчи? У индамай ўтирган бояги йигитни ўйга солди. Бир вақтлар қоронғу ҳужрада, хира шам нурида битилган бу ғазал мана энди қўшиқ бўлиб, замонамиз мўъжизаси — «Спидола» орқали янграяпти, ҳаяжонга соляпти:

Махтумқули, юрагимда дард турар...

Қўшиқ тинди...

Йигит қўшиқни тинглаб ўтирганида ўй-хаёлларидан қутулмоқчи бўлгандай яна жилмайиб бош чайқаб қўйди.

— Нима, ўзларини ҳам жигардан урганга солди. Бир вақтлар қоронғу ҳужрада, хира шам нурида битилган бу ғазал мана энди қўшиқ бўлиб, замонамиз мўъжизаси — «Спидола» орқали янграяпти, ҳаяжонга соляпти:

Махтумқули, юрагимда дард турар...

Қўшиқ тинди...

Йигит қўшиқни тинглаб ўтирганида ўй-хаёлларидан қутулмоқчи бўлгандай яна жилмайиб бош чайқаб қўйди.

— Нима, ўзларини ҳам жигардан урганга солди. Бироқ бу қўшиқчи? У индамай ўтирган бояги йигитни ўй

Қ. МУҲАММАДИЙ
Э. РАҲИМОВ



ҚАРДОШЛИК ИЛҲОМЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРКМАН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ ИККИ ҚАРДОШ ХАЛҚНИНГ КАТТА БАЙРАМИГА АЙЛАНИБ КЕТДИ. ШУ КЕЧАНИНГ ИККИНЧИ ҚИСМИДА ТУРКМАН САНЪАТКОРЛАРИ ШИРИН КОНЦЕРТ БЕРДИЛАР. МЕҲНАТСЕВАР ЖОН ҚЎШНИМИЗНИНГ ЧЎҚҚИЛАРГА КЎТАРИЛГАН РАНГ-БАРАНГ САНЪАТИ ҲАММАМИЗНИ ЎЗИГА МАФТУН ЭТДИ.

БИЗ ШУ УНУТИЛМАС КЕЧАДАН БЕҲАД ИЛҲОМЛАНИБ ВА АЗИЗ ДЎСТЛАРИМИЗГА ТАҲСИНЛАР ЎҚИБ, ЎЗ ТААССУРОТЛАРИМИЗНИ ШЕЪРГА СОЛДИК ВА СИЗЛАРНИНГ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ.

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН

(ҚЎШИҚ)

Ўзбекистон, Туркманистон — гулистон
Умр бўйи пайвандижон, дилистон
Икки қардош, икки жондош ўлкамиз
Аму дарё — Сирдек ёндош ўлкамиз.
Бу дарёлар Алишернинг баҳридай,
Урар тўлқин Махтумқули наҳридай
Тарихимиз туташгандир абадий,
Тақдиримиз бирлашгандир абадий.
Эгизакмиз, бир онанинг боласи,
Дилшонамиз пахта, ипак толаси.
Тинчликсевар, пўлат қуяр дўстларимиз,
Ҳур Ватанга хирмон уяр дўстлармиз.
Порлайверсин партиямиз байроғи
Яшнайверсин совет элим эл-боғи.
Туркманистон — Ўзбекистон нуристон
Бир тану-жон, пайвандижон дилистон.

КЎНГЛИМИЗ ОҚ ПАХТАДАЙ

Кўнглимиз оқ пахтадай,
Йўлимиз пок пахтадай.
Пахта экмак аҳдимиз,
Ленин берган бахтимиз.
Пахтамизнинг гули ҳам
Чирой, кўрки, нури ҳам,
Ўзимизга ўхшайди,
Ўзимиздек яшнайди.
Ҳурматимиз пахтадан,
Ҳимматимиз пахтадан.
Кийинтириб оламни,
Шод этамиз одамни!
Кўнглимиз оқ пахтадай,
Йўлимиз пок пахтадай
Пахта экмак аҳдимиз,
Ленин берган бахтимиз.

ЭЛГА ПАЛОВ ТОРТАВЕР

(Лаган ўйини)

Бобокулол боласи,
Моматупроқ лоласи.
Ўйин қурар саҳнада,
Лаган бошда, сийнада.
Кўрсатади ўзини,
Оқлаб лаган тузини
Кўкка отиб ўйнатар,
Гўё уни куйлатар.
Лаган тўла дур ожи,
Улкан ноннинг йўлдоши.
Дастурхонга қўяди,
Еса олам тўяди.
Балли туркман раққоси
Ўзбек оғанг минг рози
Мартабада ортавер,
Элга палов тортавер!

КЕЛИН БЎЛИБ ҚОЛИНГ БИЗДА

Аму дарё парилари,
Лочин қанот дилбарлари.
Хуш келдингиз, хуш келдингиз
Тўлқин уриб жўш келдингиз.
Навоийнинг саҳнасида
Ўзбек дўстлар сийнасида.
Ўйнадингиз шўх капалак,
Соҳилдаги ҳуру малак.
Юзларингиз ой кулчадай,
Ширин-шакар мой кулчадай
Ўйнадингиз тонг отгунча
Ўйнадингиз кун ботгунча.
Тулпор қанот жононалар
Кўзингизда юлдуз ёнар
Сир ўғлининг меҳри сизда
Келин бўлиб қолинг бизда.

БАХШИ КУЙЛАР...

Яна саҳна очилди кенг,
Ильич нури сочилди кенг.
Чиқиб келди икки бахши,
Саҳнамизнинг чирой нақши.
Попоқлари худди осмон,
Куй бобида гуё посбон
Баҳс бошлашди дуторда соз,
Юракларни эритиб боз.
Куйлашади дил меҳрини,
Завқ қўшиғи ўй зикрини.
Бир-бирини дидлашади,
Очиқ-ойдин диллашади.
Дутор тори уриб тўлқин,
Жўр бўлишди куйга жўшқин.
Кўзимиздан ўтар ана,
Қатор эртак, минг афсона.
Гавдаланар Авазхонлар
Зулфизарлар, хиромонлар...
Жаранглади яна баланд.
Бахши тори дилга пайванд,
Куйлар Гимндай мардонавор
Ҳар овозда минг маъно бор!
Варақлашар зар китобни
Кўзга суртиб ҳар бир бобни.
Октябрдан бошланган у,
Офтоб мисол яшар мангу!
Ана озод гулчеҳралар,
Ер юлдузи, нурчеҳралар.
Бири заргар зар теради,
Бири нефтчи нефть беради.
Бири тўсар зўр дарёни,
Қойил қилиб бор дунёни!
Пахтакори нур теради,
Кўкка етар дур теради.
Баликчиси дарё кечар,
Олимлари жумбоқ ечар.
Шоирлари ёзар қўшиқ,
Ҳар сўзида севги жўшиқ.
Куй басталар бастакори,
Шифо излар ҳастакори...
Ҳай, ҳай туркман оқинимиз,
Тошқин одам охинимиз!
Тинмай уланг куйни куйга,
Тинмай уланг тўйни тўйга!
Бахши билинг бизларни ҳам
Ўзбек дўстлар сизга ҳамдам.
Янграй берсин дуторингиз
Бизлар сизнинг хушторингиз!...

«ТУРКМАНФИЛЬМ» АРТИСТЛАРИ

Шонли 40 йиллик тўйига ҳозирлик кўраётган «Туркманфильм» киностудияси даргоҳида яратилган кўпгина бадиий фильмлар Совет Иттифоқидагина эмас, балки жаҳон экранларига ҳам чиқди.

Қирқ йил мобайнида «Туркманфильм»да яратилган бир қатор фильмларда дастлаб рус ва бошқа халқларнинг вакиллари ўйнаб келган бўлсалар, ўттизинчи йиллардан кейин экранга туркман халқининг фарзандлари ўз қаҳрамонлари образларини дадиллик билан гавдалантира бошладилар. Фильмларнинг титрларида Олти Қорлиев, Б. Омонов, К. Бердиев, А. Аллақулиева, М. Қулиев, С. Карриев сингари кўплаб туркман артистларининг номларини тез-тез учратиб турамиз.

Даставвал туркман киносини ривожлантиришда улкан ҳиссалар қўшиб келаётган режиссёр ва артист Олти Қорлиев ҳақида гапириш керак. СССР халқ артисти Олти Қорлиев туркман театри ва кино санъатининг йирик арбобларидан биридир. У 1938 йилдан буён кино соҳасида самарали ижод этиб келмоқда. Олти Қорлиев «Чўпон ўғли», «Оила номуси», «Салтанат» каби фильмларда бош ролларда қатнашди. «Дурсун» ва «Узоқдаги ёр» бадиий фильмлари айниқса артист О. Қорлиевга катта шуҳрат келтирди. Туркман киноси тарихида муҳим ўрин олган бу ажойиб фильмлардаги Нури, Керим ролларини яратган Олти Қорлиев икки марта Давлат мукофотларининг лауреати унвонига сазовор бўлди. Бу фильмларда артист ажойиб замондошларнинг порлоқ, эҳтиросли образларини моҳирлик билан яратди. Ижодий диапазони ниҳоятда кенг бўлган бу санъаткор кинодраматург, кино-режиссёр сифатида ҳам самарали ишлар қилмоқда. Унинг «Махсус топшириқ», «Ойна», «Дадил қадам» бадиий фильмлари режиссурасининг баркамоллиги билан, туркман санъати миллий анъаналарини экран воситаларида ҳаққоний талқин қилиши жиҳатидан ажралиб туради.

Олти Қорлиев ўз артистлик маҳоратини етук санъаткор ва истеъдодли режиссёр сифатида ёшларга ўргатиб келмоқда. У қўйган қатор фильмларда иштирок этган ёш артистлар ҳозир туркман киносининг етук санъаткорларидан бўлиб қолди.

Айниқса ёш артист Баба Аннанов Олти Қорлиев таълимини олиб самарали ижод этаётган умидли санъаткорлардан биридир. Унинг ижоди, айниқса, «Дадил қадам» фильмида камолот босқичига чиқди. У яратган жасур туркман йигити Ортиқ образи ўзининг ҳаққонийлиги билан томошабинни мафтун қилади. Артистнинг бу муваффақиятини кино мутахассислари ҳам, танқидчилар ҳам қайд этдилар. Ҳинд газеталари ҳам буни таъкидладилар. Ортиқ образи Ҳиндистон томошабинларини ҳам мафтун этди.

Баба Аннанов «Ўзбекфильм»да ҳам самарали ижод этмоқда. «Ленин йўлланмаси билан» бадиий фильмидаги туркман студенти образи унинг кинодаги дебюти эди. У яқинда Комил Ёрматов яратаётган «Икки дил достони» фильмида ҳам қатнашди.

Туркман киносининг яна бир забардаст ва ўзига хос услуби билан ажралиб турадиган артисти Ортиқ Жаллиевдир. Ортиқ Жаллиев «Ўзбекфильм» да яратилган «Гулбаҳор» фильмида композитор Аҳмедов образини яратди. «Туркманфильм»да ишланган «Ойна» бадиий фильмидаги бош қаҳрамон колхоз раиси Хўжали образи Ортиқ Жаллиевнинг ижодий муваффақияти бўлди

Артист айниқса туркман киносининг катта муваффақияти ҳисобланган «Айтишув»деган фалсафий фильмида бир варакайига икки образни яратиб ҳаммани қойил қолдирди. Ортиқ Жаллиев бунда Чопиқхон билан Мамедёрхон образларини ниҳоятда усталик билан яратди.

Туркман киносининг отахони, экран санъати учун туғилган ажойиб артист Сари Карриев ижоди алоҳида диққатга сазовордир. У чорак асрдан ортиқ давр мобайнида «Туркманфильм»да штатли актёр вазифасида ижод этиб келади. У қаторқатор рангба-ранг образлар галлереясини яратди. Унинг ёрқин туғма таланти «Узоқдаги ёр», «Дурсун», «Сирли кристалл», «Чўпон ўғли» каби фильмларни безади. Айниқса у «Кекса Аширнинг ҳийласи» бадиий фильмида бош ролда ўйнаб, ўзининг комик талантини намойиш қилди. «Ойна» фильмидаги Қорли, «Дашқалъа воқеаси»даги милиционер образлари бу артистнинг ижодий имкониятлари нақадар кенглигидан далолат беради.

Биз декада кунлари ажойиб туркман киносанъаткорларининг ижоди билан янада кенгроқ танишдик, уларнинг янги-янги образларидан баҳра олдик. Бу ажойиб артистлар қатнашган ҳар бир янги фильмни орзиқиб кутамиз.

М. ЯҲЁЕВ.



Сиз суратда кўриб турган бу кадр «Туркманфильм» киностудиясида ишланган «Махсус топшириқ» фильмидан.

ТУРКМАН КЛАССИКЛАРИ ХАЗИНАСИДАН

ҒОЙИБИЙ

ЧАШМИ ГИРЁНИНГ БИЛАН

Эй кўнгил, хуш тут ўзингни доғи хижронинг билан.
Арзи қил дардингни ёра чашми гирёнинг билан.

Ҳажри водийсида қолдинг зори-саргардон бўлиб,
Ёлбориб фарёд қил ҳоли паришонинг билан.

Ғурбатим саҳросида кездим, нетайким, хори-зор,
Қил мадад холимга эмди нозли эҳсонинг билан.

Войизо, шарх этмагил жаннатдаги ҳурларни сен,
Жаннатинг кўзимга илмам, хури ризвонинг билан.

Ғойибий, қилгил муножот ул санамга, оқибат
Айлагай балки иноят оҳу афгонинг билан.


Фридрих Карл Кауль
Эйхман
ишi

У яҳудийларни Австриядан мажбуран қувишни «планлаштирилган эмиграция» деб атайди. «Планлаштирилган эмиграцияни амалга оширишга уруш халақит берганлиги учун афсусланаман».

Бош прокурор: «Яҳудийлар пул олиб кетмаганликлари учун барча бойликларидан жудо бўлганлар-ку».

Эйхман: «Лекин бу менинг айбим эмас. Бу мол-мулкларни мен эгаллаб олганим йўқ».

Бош прокурор: «Ҳар ҳолда яҳудийлар кейинчалик ўз пулларининг бир тийинини ҳам кўришмаган».

Эйхман: «Афсус, лекин бу менинг айбим эмас».

Эртаси куни Эйхман ўз бўлими томонидан ишлаб чиқилган Мадагаскар плани ҳақида гапиради. Бош прокурор бу планнинг асл моҳиятини очиб ташлайди. Сўроқ давомида, ниҳоят, улар яратмоқчи бўлган яҳудий давлатини нацист полицияси бошқариши планлаштирилганини айтади. Оролда яшовчи яҳудий аҳолиси ташқи дунё билан мутлақо алоқа қила олмаслиги керак эди.

Бош прокурор Мадагаскарда миллионлаб яҳудийлар колонизациясини яратиш учун иқтисодий имкониятлар бўлмаганлигини айтади. Бу ерда яҳудийлар батамом қирилиб кетган бўлур эди.

Эйхман ўжарлик билан ўз планини ҳимоя қилади:

«Яҳудийларни Мадагаскарга юборишдан мақсад уларни қириб юбориш эмас эди».

Эйхман Польша оккупация қилинганидан сўнг ўзининг чех яҳудийларини Сан районига жўнатишдан кўзлаган мақсади улар учун ҳаёт шароити яратиб беришдан иборат бўлганлигини айтганида бош прокурор ўзини базўр тутиб олиб, талон-тарож қилинган яҳудийлар бу чўли-биёбонга СС охранаси томонидан атайлаб олиб борилганини, тиф билан оғриб қирилиб кетганлигини айтади.

Эйхман бу планнинг «афзалликларини» исботлашга уринар экан, бош прокурор унинг сўзлари ёлғон эканлигини исботлайди. «Ёлғон!» дейди у баланд овоз билан. Эйхман ғазаб билан раддия беради:

«Гапимни ёлғон дейишга ҳаққингиз йўқ. Балки менинг фазилатларим унчалик кўп эмасдир. Лекин битта фазилатимни йўқотмаганман. Мен ҳар доим рост гапни айтаман».

Бош прокурор Эйхманга унинг эмиграция ҳақида аризаларни рад этганлигини исботловчи айрим ҳужжатларни кўрсатганида Эйхман Гиммлер буйруғини баҳона қилади.

«Мен фақат ўз бошлиғимнинг буйруғи билан иш тутганман. Шунинг учун ҳам ҳар бир ҳужжатнинг четига «...топшириғи билан» деб ёзиб қўйганман».

Шундан сўнг бош прокурор билан айбланувчи ўртасида катта жанжал чиқиб кетди. Эйхман боши берк кўчага кириб қолганидан кейин «Мен ўз бўлимимга келган барча хатларга «...топшириғи билан» ёки «...вазифасини бажарувчи» деб имзо қўйишга мажбур бўлганман», дейишдан бошқа иложи қолмади.

Бош прокурор: «Яъни бу белги шунчаки одат юзасидангина қилинган, шундайми?».

Эйхман: «Идора одатлари шундай эди».

Бош прокурор: «Демак сиз ўз бошлиғингиз билан келишиб олмаган пайтларингизда ҳар доим «...топшириғи билан» деб имзо чеккансиз».

Бу гапга Эйхман ҳеч нима деёлмай қолади. Савол бир неча марта қайтарилгандан кейин у маъқул оҳангида бош силкийди.

Бош прокурор ҳужжатлар асосида Эйхманнинг яҳудийларни қириб ташлашларини била туриб уларнинг чегарадан чиқиб кетишига вақт ажратиб бериш ўрнига Шарққа сургун қилганлигини исботлаб берганда айбланувчи хотираси ёмонлигидан шикоят қилади.

«Бу гаплар йигирма йил олдин бўлиб ўтган. Буларнинг ҳар биттасини қаёқдан эслай оламан».

Эйхман Ванзей конференциясида Гейдерих ўзини «менинг референтим», «рейх хавфсизлик бош бошқармасининг яҳудийлар масаласи билан шуғулланувчи консультанти» деб атаганлигини рад этишга муваффақиятсиз уриниб кўради. Шундан сўнг бош прокурор рейх хавфсизлик бош бошқармасида фақатгина яҳудийлар масаласи билан шуғулланувчи Эйхмандан бошқа киши бўлмаганлигини исботлайди. Эйхман аввалига қаршилик кўрсатиб кўради. Аммо айбловчи яҳудийлар масаласини ҳал қилувчи яна бирента масъул референт бормиди, деб сўраганида у дудуқланиб қолади. Ниҳоят бу иш билан шуғулланувчи бошқа референт бўлмаганлигини тан олишга мажбур бўлади.

Юзма-юз сўроқ давомида (12 июль куни) бош прокурор яҳудийлар масаласида фақат Эйхмангина масъулиятли шахс бўлганлигини яна бир марта таъкидлайди.

«Сиз СС рейхсфюрерининг яҳудийлар масаласи билан шуғулланувчи масъулдор кишиси эдингиз», дейди бош прокурор. У бу ҳақдаги ҳужжатларни кўрсатади. Ҳужжатлардан рейх хавфсизлик бош бошқармасида Эйхман алоҳида ўрин тутганлиги исботланади.

Эйхман бу далилларга жавобан ўзининг «кичкина одам» эканлигини, шунчаки «почтачилик» вазифасини ўтаганлигини ўжарлик билан таъкидлашга уринади. У фақат буйруқларни бажариб келганлигини қайта-қайта таъкидлайди.

«Сиз Нюренбергда рейх хавфсизлик бош бошқармасининг сўнгги бошлиғи Кальтенбруннер устидан чиқарилган ҳукмни адолатли ҳисоблайсизми?» деб сўрайди бош прокурор зудлик билан.

Эйхман тағин қопқонга тушиб қолади.

«Ҳозир эшитган гаплардан сўнг ҳукмни адолатли деб ҳисоблайман».

«Кальтенбруннер мустақил иш юритганмиди ёки у ҳам фақат Гитлернинг буйруғини бажариш билан кифояланганмиди?»

«У Гитлерга, шунингдек, Гиммлерга ҳам бўйсунар эди».

«Худди сизга ўхшаб, шундайми?» деб сўрайди бош прокурор яна.

Эйхман мушкул аҳволга тушиб, қисман тан олишга мажбур бўлади.

Пешиндан кейинги мажлисда у яна ўз айбини бўйнига олишдан бошқа иложи қолмайди.

Эйхман, менинг вазифам фақат поездларнинг ҳаракат графигини тузиш эди, деб бир неча марта такрорлаган бўлса-да, унинг рейх транспорт министрлигида бир неча марта бўлганлигини исботлашади.

Эртаси куни Эйхман айбловчининг қатор саволларига бардош беролмай заҳарли газдан фойдаланиш ҳақида ўзининг хабардор бўлганлигини тан олади. Гестапо бошлиғи Мюллер уруш тугаши олдидан «Агар бизда шундай Эйхманлардан 50 таси бўлганидами, урушда галаба козонган бўлардик«» деган эди. Эйхман бу гапдан ўзининг фахрланиб юрганлигини ҳам тан олишга мажбур бўлади. Айбловчи жуда пухта саволлар билан уни ўз фикрини айтишга мажбур килади:

(Давоми бор).

(ДАВОМИ. Боши газетанинг 8 — 30 октябрь ва 1 — 18 ноябрь сонларида).

ШИФОКОРЛАР МИНБАРИ

НО-ШПА

Киши танасидаги турли мускуллар, қон томирлар, айниқса қорин бўшлиғидаги аъзоларининг қисилишининг олдини олиш, уларни тўхтатиш тиббий олимларимизнинг асрлар давомидаги эзгу-орзулари бўлиб келган.

Қадим замонлардан бери халқ медицинасида афюн (опиум)ни қисилишликка қарши таъсирчан дори сифатида кенг қўлланиб келинади. Афюндан турли экстрактлар тайёрланиб, улардан ҳам шу мақсадда фойдаланилади.

Ўтган асрнинг биринчи ярмида олимлардан Пиктет ва Гамслар афюн таркибида қисилишликка қарши папаверин алколоиди борлигини топдилар. Изланиш давом этди. Ниҳоят, Венгрия олимлари бу соҳада катта муваффақиятни қўлга киритдилар. Улар папаверинга нисбатан ҳам таъсирчан бўлган Но-шпани яратдилар.

Шундай қилиб, шифокорларимиз ошқозон, 12 бармоқли ичак яраси касалликларидан ташқари, ўт қопчасининг яллиғланишида, ўт қопчасида ва буйракда тўпланадиган тош касаллик кўзғаганда, йўғон ичак яллиғланишида, ошқозоннинг кириш ва чиқиш қисмлари қисилиб қолганда, операциядан сўнг ичакларда ел тўпланиб қолиб, санчиқ турганда, жигар касалликларида (жигардаги оғриқни қолдириш мақсадида), қон босими ошганда ва бошқа касалликларни даволашда қўлланиладиган дорига эга бўлдилар.

Но-шпани суткасуч марта 1—2 таблеран ичилади ёки сутига бир-икки марта ситўрт миллилитр теостига, мушаклар оига ва вена қон томра юборилади.

Ўт қопчаси ёки магида тош тўпланганишиларнинг касаллаўрайганда Но-шпанна томирига 2—4 милитр, марказдан (кдан) узоқда жойлан томирларнинг киш ҳоллари юз берда эса артерия қон томга юбориш мумки

Ошқозон ва 12 ромоқли ичак яралари-лан оғриган беморни даволашда Но-шпатропин ва атропинин дорилар билан иб берилади.

М. ИСМОИЛС
доришунос.

Редактор
С. М. КАРОМАТ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Радио

21 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.10 — Концерт (Б. Гиенко асарларидан).

18.30 — Шу кун қўшиқлари.

19.00 — Туркманистон ССР адабиёти ва санъати декадасининг ёпилиши. Туркманистон ва Ўзбекистон санъат усталари концерти (Навоий номли академик Катта театрдан).

22.00 — Дунё воқеалари.

22.10 — Концерт (механизаторлар талабига мувофиқ).

22.40 — «Замондошлар».

23.10 — Дам олиш кечаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — Ўзбекистон ёзувчиларининг ижодий портретлари. Иброҳим Раҳим (рус.).

19.30 — Камер куйлар.

20.10 — Ўзбек халқ куйлари.

20.45 — «Иш дақиқасининг қиммати» (суҳбат).

21.00 — Ортиқов. «102» (тож.).

21.20 — «Юность Узбекистана» радиостанцияси.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — Ўзбек операларидан парчалар.

Телевидение

21 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **Советский воин** тележурнали.

19.00 — **Туркманистон адабиёти ва санъати декадасининг тантанали ёпилиши** (Навоий номли академик Катта театрдан), танаффус вақтида — **Телевизион янгиликлар** (ўзбек ва рус тилларида), трансляциядан сўнг — **Комсомолия гапиради** («Ёшлик» студияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.35 — **Том тоғанинг кулбаси** (телеспектакль).

20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 22/XIда **Риголетто.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА («Шапито») — Йиртқич ҳайвонларни ўргатувчи **Иван Рубан, ўзбек цирки коллективи** ва **қизиқчилар группаси.**

Кино театрларда

21 НОЯБРДА

Розмари исмли қиз — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЧАЙКА», «СПУТНИК», НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кечқурун), «МОСКВА» (кеч соат 6,8 ва 9-40 минутда).

Авлодлар садоси — «МИР» СОБИР РАҲИМОВ номли (кечқурун).

Енгилмас батальон — «ЮЛДУЗ» (кеч соат 7 ва 9 да).

1967 йил, январь ойидан «ОГОНЁК» ЖУРНАЛИ ТИПИДА

ойлиқ ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий, безакли

„ГУЛИСТОН"

ЖУРНАЛИ

ўзбек тилида

ЧИҚА БОШЛАЙДИ

Обуна баҳоси. 1 йилга — 3 сўм 60 тийин, 6 ойга — 1 сўм 80 тийин, 3 ойга — 90 тийин.

Журналга обуна «Союзпечать» бўлимлари ва агентликларида, алоқа бўлимларида, шунингдек корхона ва ўқув юртларидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бирлашган нашриёти.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ҲАМДА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбек тилида чиқадиган

„ТОШКЕНТ ОҚШОМИ"

ва рус тилида чиқадиган

„ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

НОМЛИ КЕЧКИ ГАЗЕТАЛАРГА ТУРЛИ ХИЛ

ЭЪЛОНЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси 26-уй. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бирлашган нашриёти. 3. кават 79-хона (якшанба кунларидан бошқа ҳар куни кундузи соат 2 дан 4 гача).

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» газеталарига 1967 йил учун обуна давом этмоқда «Союзпечать» конторалари ва алоқа бўлимларида бу газеталарга обуна чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Обуна баҳоси бир йилга 6 сўм.

ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 бет

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Киров кўчаси, 22-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор В3-02-49 дан В3-02-58 гача. Қўшимча телефонлар: секретариат ва иллюстрация бўлими — 5-62; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари бўлими — 3-66; саноат қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлими — 3-66; адабиёт, санъат ва маданият бўлими — 7-83; фан, олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлими — 7-83; физкультура ва спорт бўлими — 3-79; Ахборот бўлими — 3-78; (шаҳар телефони В3.65-57); хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 3-79; эълонлар бўлими — 5—07 (шаҳар телефони — В38142).

21 НОЯБРЬ, 1966 Й. Р. 14457 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр. Г. 2905.